Ушбу сонда:
2 *Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди* КАСАБАҚЎМ ИШГА ТИКЛАДИ
3 РЕСПУБЛИКАМИЗ ГИГАНТ КОРХОНАЛАРИДА
4 *Соҳибқирон Амир Темур ҳақида* БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 феврал, сешанба №24 (1038)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*2001 yil — Onalar va bolalar yili*



***Шу кунларда барча вилоятларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низом ва Дастури лойиҳалари қизғин муҳокама этилмоқда.***

## ОЛОВ ҚАЛБЛИЛАР ЎЗ СЎЗИНИ АЙТМОҚДА

Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга боғлиқ. Бу муҳим вазифа мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, энг аввало, замонавий қарашлар руҳида тарбия топаётган ёшларнинг соғлом орзу интилишларига кенг йўл очиш, уларнинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишни тақозо этади. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз зиммасига ана шундай масъулиятни олаётгани унинг истиқболига катта ишонч уйғотади. Йиғилиш иштирокчилари ҳаракатнинг Низоми ва Дастури лойиҳасини атрофлича муҳокама қилиб, вилоят ёшлари муаммоларидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳаётга янада яқинлаштириш юзасидан таклиф ва истаклар билдиришди.

Бухоролик ёшлар ижтимоий ҳаракат мустақил ҳаёт остонасида турган авлоднинг орзу-умидлари ва дунёқарашини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш, ўз салоҳиятига тўғри баҳо бериши ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун зарур шароит яратишдек қийин, аммо шарафли мақсадни амалга оширишда ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлиши лозимлигини такидлашди.

Шунингдек, Низом ва Дастур лойиҳаси бўйича Андижон вилояти ташаббус гуруҳининг йиғилиши ҳам қизғин баҳслар ва мунозараларга бой бўлди.

Йиғилишларда вилоятларнинг шаҳар ва туманларида Низом ва Дастур лойиҳалари муҳокамасини ташкил этиш муддати ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланди.

**(ЎзА).**

# ҲАР ЖАБҲАДА БИР ЎЗГАРИШ

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Яқинда Учкўприк туманида «ЎзХАН Ко.ЛТД» ўзбек-корейс компанияси иш бошлади. Қўшма корхона ўзимизнинг хом ашё асосида тўқувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Цех замонавий тўқув дастгоҳлари Жанубий Корея, Германия, Чехия ва Россия давлатларидан олиб келиб ўрнатилди.

Корхона йил давомида минг тонна газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

Қишлоққа саноатнинг кириб келиши бир қадар ишсизлик муаммосини бартараф этишга ёрдам берди. Айни дамда тўқув, йигирув ва бўяш цехларида 100 нафарга яқин қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Яқин кунларда корхонанинг ёрдамчи цехлари ҳам иш бошласа, яна 600 нафар ёшлар доимий иш жойларига эга бўладилар.

**Д.ЖОЗИЛОВ.**

## «ВИНКЛЕР» НОНЛАРИ

«Чимбойдон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Иссиқнон» кичик корхонасида Германиянинг «Винклер» фирмаси технологияси асосида бўрсилдоқ нонлар ёпила бошланди. Бу ердан ҳар куни тўрт турдаги икки тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Нонвойлардан Жанар Таплова, уста Ниетбой Бекимбетовлар айниқса жонбозлик кўрсатишаётир. Улардан ўрнак олган корхонанинг ўн беш нафар ишчиси фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқда.

Айни пайтда, бу ерда макарон цехини ишга тушириш учун тайёргарлик олиб борилаётир. Умумхалқ байрами «Наврўз» арафасида мазкур цех фойдаланишга топширилиб, аҳолига яна бир қулайлик яратилади.

Сергели туманидаги «Келажак тонгги» корхонаси мактабларни қандолат маҳсулотлари билан таъминлайди. Айни кунларда бу ерда 10 турдаги сифатли ширинликлар тайёрланиб, жойларга жўнатилмоқда. Бунда қандолатчи Гулноза Пўлатованинг ҳиссаси катта бўлаётир. У тайёрлаётган маҳсулотларни мактаб ўқувчилари суйиб харид қилишмоқда.



**Суратда: қандолатчи Гулноза Пўлатова.**

**Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.**




## БЕМИННАТ МАДАД

Оролбўйи ҳудудидаги Тахтакўпир тумани «Жангадарё» хўжалигига Канададан инсонпарварлик ёрдами келди. Хўжалик марказидаги мактаб-интернат тарбияланувчиларига океан ортидаги «Жаҳонаро ғамхўрлик» нодавлат, нотижорат ташкилотидан 3 миллион сўмлик турли хил кўрпа-тўшаклар, ўқув қуроллари, пойабзаллар, кийим-кечаклар, газ плиталари келтирилди.

Болаларга инсонийлик ёрдамларини топшириш тантаналарида кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари раҳбарлари иштирок этдилар.

**Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.**

## БАНК КЎМАГИ

Навбаҳор туман «Пахтабанк»и тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Банк кўмаги билан қисқа фурсат ичида ўндан зиёд фермер хўжаликлари, ишбилармон ва бошқа жисмоний шахслар ўз фаолиятларини йўлга қўйиб олдилар. Жумладан, «Моҳина», «Маҳмуд бобо», «Камалак», «Ғолиб» фермер хўжаликлари имтиёзли кредитлар ҳисобидан чорвачилик, деҳқончилик ва паррандачиликни оёққа турғазиб, хўжаликка керакли техник жиҳозларни сотиб олган бўлсалар, «Гулнигор» ишлаб чиқариш фирмаси 15 та янги иш ўрнини яратди. «Доришунос-1» жамоа фирмаси эса маҳаллий ўсимликлардан шифобахш дори-дармонлар тайёрлашга киришди.

## ҒОЛИБ МАКТАБ

Жиззах туманидаги 17-мактаб «Йил мактаби - 2000» республика кўрик-танловида ғолиб деб топилди.

Туман ҳокимлиги қарори билан яқинда ушбу мактабга 2 миллион сўмлик лингафон ва радиоалоқа асбоб-ускуналари совға қилинди. Шунингдек, мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун яна 2 миллион сўмлик қўшимча маблағ ҳам ажратилди.

Оналар ва болалар йили муносабати билан кўрсатилган бу ғамхўрлик мактаб жамоасининг, айниқса ўқувчиларнинг қувончига қувонч қўшди.

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

## КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Клиник-диагностика аппаратлари ишлаб чиқарувчи йирик Европа ва Америка фирмалари билан тузилган шартномага кўра тез тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилоят филиалига яқин кунларда қиймати 5,5 миллион АҚШ долларига тенг замонавий ускуналар етказиб берилади.

Ускуналарнинг 850 минг долларлик дастлабки туркуми Наманганга етиб келди. Улар асосан жарроҳлик анжомлари, янги модификациядаги лапороскоплардан иборат.

Вилоятда шу кунларда яна бир эсда қоладиган воқеа -Тўрақўрғон туманининг Хўжанд қишлоғида саноат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган янги касб-ҳунар техника коллежининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги ўқув коллежи қурилишига 750 миллион сўм, уни замон талаблари асосида жиҳозлаш ишларига қўшимча равишда 90 миллион сўм сарфланди. Ўқув-тарбия жараёнини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил қилиш учун Жанубий Кореяга икки нафар ўқитувчи малака оширишга юборилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов иштирок этди.

Тошкент трактор заводи Давлат акциядорлик жамияти жамоаси 2001 йилни меҳнатда янги зафарлар билан бошлади. Яъни, бу ерда янги русумдаги тракторларни ишлаб чиқаришга киришилди. Корхона жамоаси йил давомида жами 4500 трактор, 9000 дона прицеп ва деҳқон-фермер хўжаликлари учун қулай бўлган 500 та «митти» тракторларни ишлаб чиқаришни ният қилишган.



**Суратда: йиғув участкаси бошлиғи Ҳаким Қораев ёшлар билан мулоқот чоғида.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

# OLAMDA

**САН-САЛВАДОР**. Салвадорда сўнгги йилларда уюшган жиноятчилик жуда кучайди. Айниқса, банкларни тунаш, товон ундириш мақсадида одам ўғирлаш жуда авж олди. Шу сабабли мамлакат парламенти жиноятчиликка қарши кураш борасида қатор чора-тадбирлар кўриш тўғрисида қонун қабул қилди. Ушбу ҳужжат полициянинг ваколатларини оширади.

Одам ўғирлаганлик учун жазо муддати 20 йилдан қирқ йилгача узайтирилди. Шунингдек, аҳолининг қурол олиб юриши бутунлай тақиқланди.

* * *

***РАБОТ.*** ***Ғарбий Саҳрои Кабир мустақиллиги учун курашаётган ПОЛИСАРИО фронти Марокаш ҳукумати билан ўт очишни тўхтатиш тўғрисида 1991 йилдан буён амал қилиб келаётган келишувни мантиқсиз, деб баҳолади. Бундан илгари ҳам фронт раҳбарияти Ғарбий Саҳрои Кабир мустақиллиги тўғрисида референдум ўтказиш истиқболи кўринмагани сабабли жанговар ҳаракатларни бошлаш ҳақида баёнот берган эди. Мазкур можаро ПОЛИСАРИО фронти 1975 йилда ушбу ҳудуд мустақиллиги йўлида қуролли кураш бошлаганидан буён давом этиб келади.***

* * *

**ТБИЛИСИ.** Европа Иттифоқи Грузияга 10 миллион евролик грант ажратди. Европа комиссияси вакиллари ва Грузия миллий банки раҳбарияти ўртасида шу ҳақда меморандум имзоланди.

Ушбу маблағ Еврокомиссиянинг фавқулодда молиявий ёрдам дастури доирасида ажратилди. Бу дастур мамлакатларда ислоҳотлар ўтказиш ва уларнинг ташқи қарзларини тўлашда кўмак беришни кўзда тутади. 1997 йилдан буён Грузия мазкур дастур асосида кредит тариқасида 110 миллион евро, грант тариқасида эса 55 миллион евро олди.

* * *

***РИГА.*** ***Латвия, Литва ва Эстония ҳукумат раҳбарлари Европа Иттифоқи ва НАТОга кириш йўлида умумий ёндашув сақлашларини маълум қилди. Улар иштирокидаги музокараларда, шунингдек, трансевропа транспорт тармоғининг узвий қисми бўлган «Виа Балтика» магистралини таъмирлаш, ўзаро чегаралар масалалари муҳокама қилинди. Ҳукуматлар раҳбарлари Болтиқбўйи минтақаси ядродан холи зона бўлиб қолиши лозимлигини таъкидлади.***

* * *

**ҚУДДУС.** Исроилда ҳокимият тепасига қандай ҳукумат келишидан қатъи назар Фаластин ва Исроил делегацияларининг Табе шаҳрида ўтказилган музокаралари натижаларини инкор қилиб бўлмайди. Фаластин парламенти раиси Аҳмад Қурё шундай деди. Унинг айтишича, музокаралар келган жойидан давом эттирилмаса, Яқин Шарқда тинчликка эришиш янада қийин бўлади.

* * *

***ВАШИНГТОН.*** ***АҚШ давлат котиби Колин Пауэл мамлакат маъмуриятининг ракетадан мудофаа тизимини яратиш тўғрисидаги режалари ўзгармаслигини яна бир бор тасдиқлади. Унинг айтишича, президент Жорж Буш бу йўналишдаги ишларни давом эттириш тарафдори. Бироқ улар пухта ўйланиб, технологиянинг самарадорлиги ва тизимнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади, деди К.Пауэл.***

* * *

**БРАТИСЛАВА**. Словакия ҳарбий-ҳаво кучлари собиқ шўролар иттифоқида ишлаб чиқарилган қирувчи самолётлардан фойдаланишдан воз кечади. Республика мудофаа вазири Йозеф Станк ўз ходимларига «МиГ» ва «Су»ларни сафдан чиқаришни кўзда тутувчи концепция ишлаб чиқиш топшириғини берди. Уларнинг ўрнига 40-50 дона кўп мақсадли енгил қирувчи самолётлар сотиб олиниши кўзда тутилмоқда. Бундай самолётлар Буюк Британия ёки Чехиядан харид қилиниши мумкин.

**(ЎзА).**

NIMA GAP

***Ун — харидоргир маҳсулот. Рўзғор, тирикчиликни бу неъматсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, қишлоқ жойларида унга талаб катта. Бундан фойдаланган баъзи учарлар қонунга хилоф равишда иш тутиб, қинғир йўллар билан харидоргир маҳсулотни келтириб сотмоқдалар.***

*«Ишонч» фош этади*

# БОЗОРДАГИ УЧАРЛАР

Боз устига, унинг сифати, қаерда, қачон ишлаб чиқарилганлиги билан мутлақо қизиқишмаяпти. Масалан, Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманида яшовчи Баҳодир Назаров, Бозор Дўланов, Эшқобул Баққоевлар солиқ инспекциясидан турли вақтда рўйхатдан ўтиб, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, аниқроғи, савдо-сотиқ билан шуғулланиб келишди. Улар ўзаро келишиб, Ангор тумани марказида яшовчи Боймурод Нормуродов билан биргаликда ҳеч қандай ҳужжатсиз, декларация тўлдирмай, божхона назоратини четлаб Туркманистон Республикасида ишлаб чиқарилган 700 қоп ун маҳсулотини Ангордаги мол бозорида ҳай баракалла, деб пуллаб туришганида тузоққа илиндилар.

Мазкур маҳсулотга айниқса шу кунларда харидор сероб. Шу боис унинг бир қопи 6000 сўмдан сотилмоқда. Таажжубки, мўмай пул топишга рўжу қилган тўрт «паҳлавон»га на бозор маъмурияти, на Ангор тумани солиқ инспекцияси ходимлари бир нарса дедилар. Кимлардир учарларни билса-да, ўзини билмаганга, кўрмаганга олди. Бироқ, кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек унфурушлар қинғир ишларини авж олдириб турган бир пайтда фош этилдилар. Баҳодир Назаровдан 203 қоп, Бозор Дўлановдан 197, Эшқобил Баққоевдан 220 қоп ун маҳсулоти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Бозордаги учарларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддаси 1-қисми «А» банди, 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ана шундай ҳолни «Ангор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Деҳқон бозори» ёнгинасида бемалол олди-сотди қилаётган Соатмурод Қурбонов мисолида ҳам кўриш мумкин. У Тошкент шаҳридаги Ўриқзор бозоридан 100 қопга яқин ун маҳсулотини олиб келиб пуллаётганида ушланди. Ўринли савол туғилади: бу инсон сифат сертификати бўлмаган, бир ерда узоқ вақт сақланиб келинган неъматни сотиш инсон саломатлигига зиён етказиши мумкинлигини наҳотки ўйлаб кўрмаган булса? Виждонни жиғилдонга айлантирган, қандай қилиб бўлмасин мўмай пул топишга рўжу қилганлар «фаолияти»га муносиб баҳо берилмоқда.

**И.НЕГМАТОВ,**
**Давлат солиқ қўмитасининг ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи,**
**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# МОДДИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

Қумқўрғон туманида яшовчи фуқаро Бўрон Қобилов таҳририятимизга йўллаган хатида ноқонуний ишдан бўшатилгани ва бунинг оқибатида бир неча ойдан буён мажбурий ишсиз юргани ҳамда адолатли тиклашда ёрдам берилишини сўраган эди.

Унинг талабини ўрганиш ва тегишли тадбирлар кўрилишини таъминлаш мақсадида таҳририят томонидан юборилган хатга мутасадди ташкилотдан қуйидагича жавоб хати олинди:

— Қумқўрғон туман фуқаролик судининг шу йил 18 январдаги қарори ва 25 январдаги ижро-варақасига асосан Б.Қобилов ўз ишига-халқ таълими бўлимига услубчи вазифасига қайта тикланди. Унинг мажбурий бекор юрган вақтлари учун етказилган моддий зарар — 79 минг 736 сўм ундириб берилди.

**Х.БЕГИМҚУЛОВ,**
**Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири.**

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

# ИМТИЁЗЛИ СТАЦИОНАР ТИББИЙ ХИЗМАТ

Тошкент вилоят Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси тизимида ўтган йили «Соғлом авлод» Давлат дастурига мувофиқ корхона меҳнаткашлари, ишловчи аёллар, ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, пенсионерларни қўшимча равишда қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. Хусусан, Ангрен давлат иссиқлик электр станциясида маъмурият томонидан 300 нафар меҳнаткашга 4 миллион сўмлик, касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан эса 45 нафар ходимга 154 минг сўмлик ёрдам пуллари берилди. Туғиш ёшидаги 117 нафар аёл алоҳида рўйхатга олиниб, бепул тиббий-профилактик кўрикдан ўтказилди.

Бундан ташқари, ёзги мавсумда тармоқ меҳнаткашларининг 39 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари учун касаба уюшма маблағларидан 178 минг сўм ажратилди. Кам таъминланган оилаларнинг 4 нафар фарзандига эса йўлланмалар бепул берилди.

Баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашда спорт-соғломлаштириш тадбирларининг аҳамияти катта, албатта. Шу боис касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Жумладан, 125 минг сўмлик зарур спорт жиҳозлари ва анжомлар харид қилинди. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида йил давомида ташкил этилган теннис, шахмат-шашка, волейбол, футбол, кураш бўйича беллашувлар жуда қизиқарли ўтди.

Аёллар, айниқса ёрдамга муҳтож меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш мақсадида 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор 3 нафар аёлга соҳада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи - 4700 сўм миқдорида қўшимча моддий ёрдам берилмоқда. Шунингдек, пенсия ва ҳомиладорлик таътилига чиқаётган аёлларнинг ҳар бирига қўшимча равишда моддий кўмак кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. 65 нафар аёлга берилган ана шундай ёрдам миқдори 470 минг сўмни ташкил этди.

— Тематик комплекс экспедицияси корхонасида ҳам «Соғлом авлод» Давлат дастури борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди, - дейди вилоят касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мавжуда Халилова. — Хусусан, 210 нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга имтиёзли тиббий-стационар хизмат кўрсатиш бўйича пойтахтдаги 2-клиник шифохона билан шартнома тузилди. Корхона санаторий-профилакторийсини қуриш учун эса 49,5 миллион сўм сарфланди.

Корхонада маданий-маънавий тарғибот ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, ҳар ойда камида бир марта соғлом авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мавзуларига бағишланган туркум учрашув ва суҳбатларга тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунос-мутахассислар, хўжалик раҳбарлари жалб этилмоқда.

Бундан ташқари ҳомиладорлик таътилида бола парвариши билан банд бўлган 21 нафар аёлга корхона ҳисобидан 350 минг сўмлик қўшимча ёрдам берилди. 300 дан зиёд кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарслик адабиётлар, мактаб кийимлари сотиб олишлари учун 1,4 миллион, ижтимоий ҳимояга муҳтож 760 нафар ходимга 3,7 миллион сўмлик моддий мадад кўрсатилди.

Тизимда «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» Давлат дастурларида кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда иштирок этиш, баркамол авлодни камол топтириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиб беришни биринчи галдаги вазифалар сирасига киритилгани қувонарлидир.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**





Фарғонадаги ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида икки мингдан зиёд ишчи ва хизматчилар самарали меҳнат қилишади. Айни чоғда раҳбарият касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда уларга етарли шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилаётир. Шу боис корхона тўла қувват билан ишлаб, режалар ортиғи билан бажарилаётир.

**Суратларда: ҳиссадорлик жамияти иш фаолиятидан лавҳалар.**

**М.ҚОДИРОВ олган суратлар.**

## МИКРОБИОЛОГ ОЛИМЛАР КЎМАГИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда илмий марказлар ҳам фаоллик кўрсатиб келишмоқда. Буни Ўзбекистон фанлар академиясининг Микробиология институти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу йўриқнома бўйича илмий муассаса томонидан режалар мажмуаси ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатда институт орқали олий ўқув юртларига малакали мутахассислар тайёрлаш тадбирлари ҳам кўзда тутилди.

Шу мақсадда микробиолог олимлар республикамиздаги қатор университетлар билан ҳамкорлик алоқасини боғлади. Термиз Давлат университетининг доценти А.Сатторов институт докторантурасига жалб этилди. Шунингдек, Қўқондаги олий ўқув юртлари вакиллари сиртқи аспирантурада таълим олмоқдалар.

Тошкент вилояти Қибрай ҳунар-техника коллежининг иқтидорли илмий ходимлари ҳам микробиолог олимлари раҳбарлигида изланишлар олиб боришмоқда.

## ОРОМ КУРСИЛАР КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

Транспорт воситаларини бемалол бошқаришга нима етсин! Шундай қулайликни муҳайё этиш йўлида тракторсозлар ҳам изланиб, ўзига хос конструкция яратишга муваффақ бўлдилар.

«Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти мутахассислари агрегатлар ўриндиқларининг энг қулай ва ҳайдовчиларга мос турларини таклиф этдилар. Корхона кабина йиғув цехида янги ясалган оромкурсилар мутахассислар эътиборини ўзига тортди. Шундай курсилардан 200 таси эса буюртма асосида тайёрланиб, жойларга юборилди.

Айни вақтда фойдаланилган агрегат ўриндиқларидан 100 таси сифатли таъмирдан чиқди.

Бунда корхонанинг ноандоза ускуналарни таъмирлаш участкаси усталари ўз амалий ёрдамларини аямадилар.

Бу каби турли ўриндиқлар корхона чиқараётган янги агрегатлар русумига мослиги билан ҳам ажралиб турибди.

**А.АЛИЕВ.**

## ХАЙРИЯ ЁРДАМИ ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

Республика «Дори-дармон» очиқ турдаги акциядорлик компаниясида «AMERI CARES» ташкилотидан мамлакатимизга келтирилган дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари республика ҳамда вилоятлар соғлиқни сақлаш тизимлари вакилларига тарқатиб берилди.

— «Ameri Cares» ташкилоти вакиллари мамлакатимиздаги табиий шарт-шароитдан келиб чиқиб, оналар ва болаларимиз учун энг зарурий дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларини хайрия ёрдами сифатида тақдим этишди, деди — «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ижрочи директори Исмоил Рустамов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Уларнинг таркибида мамлакатимиз тиббиёти учун ҳали янгилик бўлган жарроҳлик мажмуалари борки, бу ускуналар шифокорларимизнинг яқин кўмакдошига айланиши шубҳасиз.

Мазкур хайрия юки «Ameri Cares» ташкилотининг вакили Сергей Алберт томонидан рўйхати асосида барчага тенг тақсимланаяпти. Бу жараён тиббиёт ходимлари ва доришунослардан тузилган махсус комиссия кузатувида олиб борилмоқда.

Юк учун етиб келган Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Андижон, Сурхондарё вилоятлари вакиллари хайрия юки таркибидаги 107 хилдаги дори-дармон ва озиқ-овқатларнинг инсон саломатлигини тиклашда беқиёс хусусиятга эга эканлигини таъкидлашди. Бу маҳсулотларнинг кўпчилиги мамлакатимизда йўқлиги, танқислигини қайд этишди. Масалан, болалар кислород ниқоби, болалар ортопедияси ҳамда гинекологик мажмуалар ва бошқа тиббиёт жиҳозлари, камёб дори-дармонлар оналаримиз ва болаларимиз соғлигига хизмат қилади.

**«Туркистон-пресс»**

*2001 йил - Оналар ва болалар йили*

***Китоб туманидаги «Меҳрибонлик уйи»да каровчисиз қолган болалар ҳамда ногирон оилалар, фарзанд тарбиялаш қобилиятига эга бўлмаган кишиларнинг жигарбандлари меҳр оғушига олинган. Ҳозирги вақтда бу даргоҳда 30 нафардан ортиқ малакали педагог ва тарбиячилар 125 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия беришмоқда.***

## "МЕҲРИБОНЛИК УЙИ" МЕҲРИБОНЛАРИ

Дарс машғулотлари тугагач, касб-ҳунар ўргатиш бўйича 9 та тўгарак фаолият кўрсатаётир. Бир вақтлар ана шу қутлуғ масканда тарбияланиб вояга етган Тожинор Зайниева, Эшмурод Халилов, Гулчеҳра Азиммуродова, Ризақул Бердиев, Тоштемир Сатторов, Зайнаб Ражабовалар ўрта махсус ва олий билимгоҳларни битириб, айни пайтда устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда.

Шуни таъкидлашни истардикки, тарбияланувчилар тўғрисида меҳрибонлик қилиш маҳаллий ҳокимлик ва касаба уюшмаларининг ҳамиша диққат марказида бўлаётир.

Масалан, ўтган таътил мавсумида Муборак нефт-газ конлари бошқармаси маъмурияти билан касабақўм ўз тасарруфидаги оромгоҳда 110 нафар ўғил-қизнинг бепул йўлланма билан дам олишини таъминлади. Ҳар бир байрамда совғалар улашилмоқда. Мустақиллик байрами муносабати билан 10 нафар кичкинтойнинг суннат тўйини ўтказиб бериш билан бирга, барча болаларга биттадан гилам, бош-оёқ сарпо ҳадя этилди.

Улар маблағи ҳисобидан «Меҳрибонлик уйи»ни таъмирлаш, қўшимча бинолар қуриш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 76-очиқ ҳиссадорлик жамияти автокорхонаси, Китоб туманидаги агросаноат фирмаси ва бошқалар болажонларга ҳомийлик кўрсатиб, уларни кийим-кечак, ўқув қуроллари билан таъминлашдек савобли ишларга бош қўшмоқдалар. Яна бир ибратли жиҳат — юқорида номлари зикр этилган корхона ва ташкилотлар болаларни «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланиб чиққанларидан кейин ҳам унутиб қўймаяптилар, балки уларни ўрта ва олий билимгоҳларда ўқитиш, уйли-жойли қилишда ҳам ёрдамларини аямаётирлар.

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

# КАСАБАҚЎМ ИШГА ТИКЛАДИ

***Термиз шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитасига Сурхондарё вилоят «Камолот ва компания» корхонаси директори Р.Тошматов ўзининг ишдан ноқонуний бўшатилганлиги ҳақида ариза билан мурожаат этиб, адолатни тиклашда ёрдам сўраган эди.***

Бу масалага жиддий эътибор билан ёндошган тармоқ қўмитаси текширувларидан сўнг Р.Тошматовнинг ғайриқонуний ишдан бўшатилганлиги исботланди. Гап шундаки, республика «Камолот» жамғармаси бу ерда тегишли тафтиш ўтказгандан кейин Р.Тошматовни ишдан озод этган. Буйруққа Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-банди, яъни «ходимнинг ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги» асос қилиб олинган.

Аслида қуйидагича бўлганди: Р.Тошматов кўп йиллик меҳнати мобайнида юқори ташкилот раҳбарлари томонидан ҳеч қачон ички қоидани ёки меҳнат шартномасини бузганлиги ҳақида бирон марта ёзма равишда танбеҳ ёки хайфсан олмаган. Бунинг устига, Республика «Камолот» жамғармаси ўтказган тафтишдан корхона раҳбарининг мутлақо хабари бўлмаган. Чунки, тафтиш вақтида у Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Солиқ ва солиққа тортиш» бўлимида 2000 йилнинг 24 апрелидан 28 майигача сиртқи ўқишда таҳсил олган. Буни мазкур олий билимгоҳ томонидан берилган маълумотнома ҳам тасдиқлаб турибди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 100-модда 6-бандида, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно, деб аниқ кўрсатиб қўйилган.

Термиз шаҳар тармоқ қўмитаси юқоридагиларга асосланиб, вилоят «Камолот» жамғармаси раҳбариятига корхона директорини ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, унинг ўрнига эса Меҳнат кодексининг 181-модда 2-банди бўйича - ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш, Р.Тошматовни ўз лавозимига тиклаб, мажбурий бекор юрган вақтлари учун товон тўланиши хусусида огоҳлантириш хати билан мурожаат этди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ қўмитаси аралашуви билан адолат ўз жойида қарор топди. Р.Тошматов қадрдон жамоасига қайтди.

**Д.РУСТАМОВ.**

*Истеъмолчи манфаати — муқаддас*

# СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ сотилишига кимлар сабабчи?

***Инсон саломатлиги бевосита улар истеъмол қилаётган маҳсулотни нечоғли сифатлилиги ва хавфсизлигига боғлиқ. «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун айнан улар манфаатига хизмат қилмоқда. Бироқ жойларда баъзи қонун бузилишлари салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда.***

Туманда январ ойида назорат тартибида ўтказилган текширишлар давомида бир қанча камчиликлар аниқланиб, жисмоний ва юридик шахслардан 140 нафарига маъмурий жазо қўлланилди. Улардан 605 минг 150 сўм жарима ундириб олинди. Шулардан, жарималар сонининг 100 таси бозорлар ҳудудидаги объектлар ҳиссасига тўғри келиши кишини ўйлантиради. Негаки, айнан шу жойлардаги сотувчи ва тадбиркорлар томонидан сифатсиз, уй шароитида тайёрланган, санитария талабларига жавоб бермайдиған озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

«Гулбоғ» деҳқон бозори назоратчиси У.Юнусов 7350 сўм, «Бунёдкор» деҳқон бозори назоратчиси А.Зокиров 12 минг 250 сўм миқдорида жаримага тортилишига ҳам бош сабаб юқоридаги ҳолатларнинг такрорланганлиги ва назоратнинг бўшаштириб юборилганлигидир.

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани иқтисодиётимизни юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Текширишларни тартибга солишга оид Республикамиз Президенти Фармони ҳам айнан улар манфаатини ҳимоялашга қаратилган. Шу давр мобайнида текширишлар сони кескин камайди, ноқонуний аралашувларга чек қўйилди.

Бироқ, баъзи ишбилармонлар ўз бурчларини унутиб қўйишаяпти. Натижада истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулотлар етказиб беришмоқда ёки антисанитария ҳолатида хизмат кўрсатишмоқда. Текширувларнинг сони кескин камайғанлигидан фойдаланиб, «Назоратчи йўққу, ким кўриб ўтирибди», қабилида ўз фойдаси ҳисобига мўмай даромад қилишни ўйлаётганлар ҳам йўқ эмас. Шундай «Янгиобод» маркази ҳудудидаги тадбиркорлардан Т.Цой, М.Тўрахўжаев, Б.Қосимов, Б.Хожиматовлар хусусий ошхоналари хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги, мижозлар ва санитария талабларига жавоб бермаслиги сабабли ёпиб қўйилди. Жами 24 та шунга ўхшаш камчиликлар аниқланган турли хил объектлар фаолияти вақтинча тўхтатилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Лекин нимагадир биз қонуний ҳақ-ҳуқуқимиздан фойдаланишни билмаймиз. Ахир сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг сотилишига ўзимиз ҳам сабабчи эмасмиканмиз?

**Шуҳрат АКРОМОВ,**
**Ҳамза туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори,**
**Давур ТУРОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ИЖТИМОИЙ

***Бозор талаби қатъий. Бундай шароитда аҳолини иш билан тўла таъминлаш муаммосини ҳал этиш осонмас. Бироқ иқтисодий ислоҳотлар шарофати, мулкчилик янги шаклларининг пайдо бўлиши, инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда яратилган кенг имкониятлар бу долзарб масалани самарали ҳал этишга имконият яратмоқда.***

Мустақиллик республика аҳолиси, халқи учун ўз имкониятини тўла ишга солишдан ташқари, қўшимча омиллардан ҳам унумли фойдаланишга йўл очди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасининг ташкил этилганлиги ишсиз деб эътироф этилган шахсларни қайта ўқитиш, вақтинчалик жамоат ишларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, шу мақсадлар бўйича нафақалар тўлашда беқиёс аҳамият касб этди. Муайян сабабларга кўра, ишдан бўшаган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида турли даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қуйидаги тадбирларни амалга оширяптилар:

- ишлаб чиқариш инқирозининг олдини олиш;
- ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва улар асосида ёрдамчи ишлаб чиқаришда қўшимча иш ўринлари яратиш;
- тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан кредит линияси орқали иш жойлари яратишга маблағ ажратиш;
- қайта ўқитиш кўламини кенгайтириш;
- қишлоқ жойларда кичик қайта ишловчи корхоналар очиш;
- уй меҳнати (касаначилик), уста-шогирд ҳамда мавсумий иш билан таъминлашни ривожлантириш.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда ўзаро ҳамкору ҳамжиҳатлик зарур. Шу маънода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Наманган, Жиззах вилоятлари касаба уюшмалари Кенгашлари вилоят меҳнат бошқармалари билан биргаликда аҳолини иш билан таъминлаш борасида қандай тадбирларни амалга ошираётганликлари масаласи атрофлича, ўта талабчанлик вазиятида кўриб чиқилганлиги тегишли хулосалар чиқара олишимизда катта омил бўлди. Долзарб масала муҳокамасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан биргаликда 2001-2005 йилларда ҳудудий иш ўринлари барпо этиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мувофиқлаштирилган ишларни ташкил этиш, Меҳнат вазирлигининг жойлардаги органларида жамоа келишувларини билдириш рўйхатидан ўтказиш ва шунингдек, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа тадбирлар қабул қилинди. Яхши томони шуки, қўшма қарорда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаларига биргаликда қилинадиган тадбирлар ре-

## МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

***Бозор иқтисоди сарани сарага, пучакни пучакка чиқариб қўйди. Жуда кўплаб гигант корхоналар рақобатга дош беролмай синди, ёхуд илгариги шон-шуҳрати соясида қолиб кетди. Янгича қараш ва тушунчалар пайдо бўлди. Бир сўз билан айтганда, давр муҳрини босмаган ҳеч бир соҳа қолмади. Бу ҳолни қурилишда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам, маданий-маърифий соҳаларда ҳам кузатиш мумкин.***

***Аммо оҳангаронликларнинг омади бор экан. Завод тўхтаб қолмади, бунда шубҳасиз ишловчиларнинг ўз корхоналарига бўлган меҳр-муҳаббати, агар таъбир жоиз бўлса, садоқати ҳал қилувчи рол ўйнади. Айнан уларнинг, қолаверса, касаба уюшма қўмитасининг қатъий талаби билан ишчан, ташаббускор, ўз касбининг билимдони, энг муҳими, жамоа ўртасида катта обрў-эътибор қозонган Ғуломжон Эралиев раҳбарлик лавозимига тайинланди. Баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар зое кетмади. Ишлаб чиқариш барқарорлашди, ҳамкорларнинг ишончи ортди.***

***Натижада «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти янги асрга ёруғ юз ила пешвоз чиқди. Рақамлар тили билан айтганда, корхона қурилиш объектларига 2000 йилда 750114 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берди, бу аввалги йилга нисбатан 56 минг тонна зиёддир. Табиийки, бу ҳол қатор ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қилишга имкон яратди.***





# ИШ БИЛГАННИКИ, ПУЛ ИШЛАГАННИКИ

***Оҳангарон шаҳрида 35 минг киши яшайди. Уларнинг учдан бири ўз тақдирини ҳеч бир муболағасиз «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти билан чамбарчас боғлиқ, деб билади***



### ҚАДР ТОПГАН КИШИЛАР

**Эркин ТОЛИПОВ,**
**касаба уюшма қўмитаси раиси**

— Кўпинча биз бирор киши ҳақида сўз кетганда, танглайи фалон нарса билан кўтарилган, деган иборани ишлатамиз. Шундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, мен ҳам ўз ҳаётимни ушбу корхонасиз тасаввур этолмайман. Қирқ йилдан бери, яъни корхона ташкил этилгандан буён шу ерда ишлайман. Унинг яхши-ёмон кунлари шундоққина кўз ўнгимда турибди. Менга ўхшаган фахрийлар жуда кўп. Лекин мен учун энг қувонарлиси, яқинда меҳнат фаолиятини бошлаган ёшлар ҳам корхона шаъни учун ўзини масъул билаётганидир.

Бу бежиз эмас. Азалдан инсон шундай: ҳурмат кўрган жойига эҳтиром бажо этади. Хуллас, ходим ва корхона ўртасидаги муносабат ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган. Қарс икки қўлдан, деган ақидага тўла риоя қилинади. Шубҳасиз, бунда жамоа шартномасининг ўрни бениҳоя катта. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, шартнома ҳар икки томоннинг манфаатларига тенг хизмат қилсагина қадр топади. Аксинча, бир тараф ўз мажбуриятини бажармаса, ёки бу ҳолат ойлаб, йиллаб давом этса, иккинчи томоннинг ҳуқуқлари поймол этилади. Бундан эса, умумий иш зарар кўради, яхши ниятлар билан тузилган режалар бажарилмай қолаверади, томонлар ўртасида низо келиб чиқади, ишонч йўқолади.

Корхонада 2150 га яқин одам ишлайди. Ўртача маош 28 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, ҳар бир ишчига кунига овқат учун 350 сўмлик, сут учун 34 сўмлик талон берилади. Боз устига, улар махсус хизмат автобусларида ишга олиб келиниб, уйларига элтиб қўйилади.

Буларнинг ҳаммаси жамоа шартномасида ўз аксини топган. Шунингдек, уч йиллик ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган ишчи-хизматчилар бир йилда бир марта маошлари сақланган ҳолда корхона қошидаги 80 ўринли санаторий-профилакторийда 15 кун дам олиб, соғлиқларини тиклашлари мумкин. Дарвоқе, шу корхонада ишлаб нафақага чиққан фахрийларимиз ҳам бир йилда бир марта 21 кун мобайнида бепул дам олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Истиқлолга эришганимизнинг илк кунларидан аёллар ва болалар давлат муҳофазасига олинди, эндиликда бу ғамхўрлик «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти учун ҳам устувор йўналишлардан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди. Мисол учун, бизда ҳомиладор аёллар шифокор хулосаси билан икки ой аввалроқ таътилга чиқарилади. Албатта, ушбу ойлар учун иш ҳақи сақланади. Серфарзанд оилада тарбия топаётган болаларни эса оромгоҳларга бепул йўлланмалар билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Аср хайрли бошланди. Янги йил арчасининг ўзига касаба уюшма томонидан 5 миллион 200 минг сўм ажратилди. Эндиликда она ва болаларга корхона профилакторийсида бир вақтнинг ўзида биргаликда дам олишлари учун имкон яратиб бериш режалаштирилмоқда.

Меҳмонлар кўпинча корхонамизни кўриб, шаҳар ичидаги шаҳар, деган таърифни берадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Ишчи-ходимлар ташқарига чиқмасдан эҳтиёжларини қондиришлари учун кўплаб қулайликлар яратилган. Корхона ҳудудида 8 та ошхона, 4 та буфет хизмат кўрсатмоқда. Иккита ошхона кеча-ю кундуз ишлайди. Умумий овқатланиш ва савдо бошқармаси иш кўламини шундан ҳам билса бўладики, ўтган йили салкам 300 миллион сўмлик товар айланмасига эришилди. Шу соҳанинг ўзидан 10 миллион сўмдан зиёд фойда кўрилди.

Корхона ҳудудида этикдўзлик шохобчаси очилган бўлиб, ишчи-ходимларнинг пойафзаллари текинга таъмирлаб берилади. Тикув устахонаси эса икки йилдан бери эл хизматида. Яқинда ғишт цехи очдик. Шу тариқа замонавий технологияларнинг кириб келиши натижасида қисқаришга тушган ишчилар шу ернинг ўзида иш билан таъминланаётир.

Албатта, муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ишчи-ходимларимизни уй-жой билан таъминлаш оғир кечяпти. Лекин, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришганимиз сайин бу ҳам ўз ечимини топишига ишонамиз.

### КОРХОНА ШИФО МАСКАНИДА

**Марифа МИРСИДИҚОВА,**
**шифокор.**

— Албатта, ҳеч ким касал бўлсам, демайди. Лекин, иссиқ жон — хасталик ёш ва мансаб танламайди, кутилмаганда ўзидан дарак беради. Шундай ҳолда ишониб мурожаат қиладиган жойингиз бўлса, қандай яхши!

Корхона ходимлари истаган пайтда соғломлаштириш пунктига келиб, ўзларини қийнаётган оғриқ балосидан халос бўлиш имкониятига эгадирлар. ЛОР, гинеколог, невропатолог, терапевт каби ихтисослашган 17 шифокор хизмат кўрсатишга тайёр. Замонавий тиббий аппаратуралар ёрдамида зудлик билан хасталик сабаблари аниқланиб, зарур муолажалар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Дори-дармонлардан ҳам узилишлар йўқ. Бу масалада корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси баҳамжиҳат, барака топгурлар саломатлик учун маблағни аяшмайди. Ўтган йили 424 минг сўмлик дори-дармон олинган бўлса, 305 минг сўм эса тиббий техникалар харид қилиш учун сарфланди.

Дарвоқе, соғломлаштириш маскани қошида кундузги стационар очилган бўлиб, бултур 156 ишчи-ходим даволанди. 20 дан зиёд киши йўлланмалар билан санаторийларга юборилди.

Албатта, беморни даволашдан касалликнинг олдини олган мақбулдир. Шунинг учун ҳам тарғибот-ташвиқот ишларига катта эътибор қаратилади. Муайян белгиланган кунларда, шунингдек, у ёки бу хасталиклар оммавий тус олиши хавфи кучайган фаслларда корхона радиоузели орқали турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бевосита цехларга кириб иш жойи, коржомалар ҳолати ва яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирамиз, хуллас, ўз маслаҳатларимизни аямаймиз. Камчилик-нуқсонлар тўғрисида ёзма ахборотларимиз маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан ўрганиб чиқилиб, бу ҳол қайта такрорланмаслиги чора-тадбирлари белгиланади.

Кези келганда, бола кўриш ёшидаги аёлларга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлашни истардим. Бундайлар 280 нафардан кўп. Улар доимий назоратда, вақти-вақти билан кўрикдан ўтказиб турилади. Баъзан болаларини ҳам етаклаб келишади. Қандай қилиб йўқ дейсиз — дарҳол кўздан кечириб, қўлдан келган ёрдамимизни берамиз. Зеро, даврнинг ўзи шунга қараб кетяпти. Шундай кунлар келадики, инсон туғилиб то кексайгунга қадар бир шифокор қаровида бўлади. Шукрки, корхонамиз ишлаб чиқариш қуввати ортгани сайин, бу орзулар ҳам аста-секинлик билан рўёбга чиқаверади.

### ҚЎЛИ ГУЛ ИШЧИЛАР ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАДИ

**Нина ГАБИТОВА,**
**кадрлар тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи**

— Ҳиссадорлик жамияти республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг 60 фоизини беради. Бу сўзлар яқинда босмадан чиққан «Оҳангарон саркорлари» китобидан бир шингил халос. Истиқлол туфайли мамлакат миқёсида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўламини телевидение ва вақтли матбуот орқали берилаётган хабарлардан муайян тасаввур ҳосил қилган ҳар бир киши корхонамиз қудрати ва истиқболини хаёл тегирмонидан ўтказиши табиий.

Лекин вақт бир жойда тўхтаб қолмаганидек, инсон салоҳияти ҳам доимо ҳаракатда — янгиликка интилишимиз, бугунги кун билан кифояланиб қолмаслигимиз аслида шундан. Буни яхши билган ҳолда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ёшларни ўқитишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Корхона қошида фаолият кўрсатаётган «Ҳунар-ФАБИ» ўқув марказимизда пайвандчи, кранчи, оператор котлаванчи, машинист-компрессор қурилмаси устаси каби касбларни эгаллаб, ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатаётган ходимлар талайгина.

Бундан ташқари, ўтган йили 12 нафар муҳандис-техник ходимларимиз ўз малакаларини ошириб қайтишди. Давлат тилига ўтилиши муносабати билан айни кунларда 50 киши лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидан савод чиқармоқда.

Таълим учун сарфланган маблағ охир-оқибатда кўп марталаб кўпроқ бойлик бўлиб қайтишини барчамиз яхши биламиз. Ҳозир ишчи-ходимларимизнинг 24 нафар фарзанди олий ўқув юртларида ва 36 нафар йигит-қиз техникумларда шартнома асосида таҳсил олишмоқда. Ишчи-ходимларнинг фарзандлари корхона учун бегона эмас. Шу боис ҳам уларнинг муваффақиятли ўқиши учун ўтган йили 6 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказиб берилди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Ўқиш-ўрганиш ҳам. Чунки, келажак билимдон авлод қўлидадир.



И.ХАСАНОВ олган суратлар

* * *

**Биз бежизга Оҳангарон шаҳри аҳолисининг ўн мингдан зиёд кишиси тақдири бевосита корхона билан боғлиқ эканлигига диққатингизни тортмадик. Чиндан ҳам шундай.**

**Шундайки, шаҳардаги 73 та кўпқаватли уй корхона ҳисобида ва табиийки, бутун сарф-харажатлар ҳиссадорлик жамияти зиммасида. Бундан ташқари, шаҳар марказий қозонхонаси учун зарур маблағлар ҳам корхона ҳисобидан қопланади.**

**3 та болалар боғчаси, 4-ўрта мактаб корхона оталиғида. Санашда яна давом этиш мумкин. Ўтган йили шаҳарни ободонлаштириш учунгина 11 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.**

**Айтишларича, бу йил «Цементчи» стадиони қайта таъмирдан чиқарилади. Соғломлаштириш комплекси эса март ойи охиригача ниҳоясига етказилади. Икки жойда теннис корти қуриш бошланди.**

**Тақдим этилган рақамларнинг ҳаётий манзараси кўз ўнгингизда намоён бўлгани сайин, «Оҳангаронцемент» ҳам гўё тирик организмга ўхшаб ўсиб-улғайишда эканлигига, янгича мазмун-моҳиятга эга бўлиб бораётганлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласиз. Ишонч ҳосил қиласиз-да, беихтиёр юрт равнақи ва унинг дунё миқёсида эътироф этилиши ана шундай корхоналар ва уларда тиним билмай фидокорона ишлаётган кишилар шарофатидан эканлигини ҳис қиласиз.**

**Ҳа, оҳангаронликлар ўз корхоналари билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.**

# ҲАМКОРЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

жасини тузиб чиқиш, уни изчил амалга ошириш орқали ишловчилар ҳамда ишсизлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада кучайтириш вазифаси топширилди.

Фикримизча, бунда қуйидаги тадбирларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

- бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш;
- меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси талабларининг бажарилишини назорат қилиш;
- иш ҳақидан қарздорликни камайтириш борасида чора-тадбирлар белгилаш;
- санация қилинган, қайта ташкил этилаётган ва банкрот деб эълон қилинган корхоналар ходимларининг қонунчиликда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусида жиддий бош қотириш;
- меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги юзасидан давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб бориш;
- давлат ва касаба уюшмаларининг меҳнат ва ҳуқуқий инспекторлари, корхона, ташкилот раҳбарлари, ҳуқуқий ва кадрлар бўлимлари ходимлари, касаба уюшма органлари раҳбарлари ўқувини ташкил этиш...

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида турли даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қуйидаги тадбирларга эътиборни қаратсалар маъқул иш бўлур эди:

- ходимларни тўла бандлигини таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш;
- фуқароларнинг айрим тоифалари учун иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзларни назарда тутиш;
- корхоналарда энг кам миқдорда белгиланган (квоталаштирилган) иш ўринлари қисқартирилишининг олдини олиш, бундай иш ўринларига қабул қилинаётган фуқаролар ҳақ-ҳуқуқи бузилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;
- ходимларни иш берувчилар ҳисобидан касбий тайёргарликдан ўтказиш, қисқартирилиши мумкин бўлган ходимларни иккинчи касбга ўргатиш, бу борада меҳнат бўлимлари, ўқув муассасалари билан шартномалар тузиш.

Шу ўринда яна бир гап, ҳаёт ижтимоий-иқтисодий ҳимояда ҳамкорликда ишлаш ғоят муҳимлигини қайта-қайта исботламоқда. Шу боис, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Меҳнат вазирлиги билан бир қаторда иш берувчилар, Ижтимоий таъминот вазирлиги, жамоат ташкилотлари, Маҳалла хайрия жамғармаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**И.ЮНУСОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси,**
**С.ШУКУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг демография, меҳнатдан фойдаланиш ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

***Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.***

**САВОЛ**: Мен қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Денов Агро-тижорат коллежида (ярим штат) Маърифат ва маънавият ишлари бўйича «услубчи» вазифасида ишлаб келаман. Шунингдек, йилига 306 соат дарс ўтаман. Рус тили ва адабиёти фани бўйича мутахассисман. Мен ҳам ўқитувчиларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлиманми?

**Х.АВАЗОВА,**
**Денов тумани «Ҳазорбоғ» жамоа хўжалиги.**

**ЖАВОБ**: Педагог ходимларнинг асосий иш тури ўқитувчиликдан иборат бўлгандагина уларга бериладиган имтиёзлардан фойдалана олади. Сиз эса услубчи вазифасида ишлар экансиз. Меҳнат дафтарчангизда қайси вазифада ишлаётганингиз кўрсатилган бўлса ўша асосий иш жойингиз ҳисобланади. Шунга қараб имтиёздан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигингизни аниқлаб олишингиз мумкин.

**САВОЛ**: 1. Ўқитувчи учун ҳафтасига икки соатдан дарс таҳлил қилиш мажбуриймми?

2. Ўқитувчининг тўгаракларда иш ҳақисиз машғулотлар ўтиши ихтиёриймми?

3. Кўмир учун 1000 сўмдан товон пули берилиши тўғрими?

4. Газлаштирилмаган ва тоза ичимлик суви билан таъминланмаган қишлоқларда бу имтиёзлардан фойдаланиш қандай бўлади?

**А.ТЎЛАБОЕВ,**
**Чортоқ тумани Пешкўрғон қишлоғи, 22-ўрта мактаб.**

**ЖАВОБ**: 1. Ўқитувчи учун ҳафтасига икки соатдан дарс таҳлил қилиш мажбурий эмас.

2. Ўқитувчи тўгаракларда иш ҳақисиз машғулотлар ўтиши ихтиёрийдир.

3. Давлат томонидан бир тонна кўмирнинг белгиланган нархи асосида товон пули тўланиши лозим.

4. Президентимизнинг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонига биноан, педагог ходим яшаб турган уйида марказий иссиқлик қурилмаси бўлмаган тақдирда унга ҳар бир иситгич қурилмасига ёқилғи сифатида 1 тонна кўмир ҳисобидан товон пули тўланади.

***Маънавий савияси, маданий салоҳияти ва иқтидори юксак инсонларгина ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эриша олади. Бугун шундай замонки, ўз юртинг, халқинг, қолаверса, ўзинг, келажак авлодлар учун сидқидилдан яшагинг, меҳнат қилгинг ва жамиятга наф келтиргинг келади.***

*Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан*

# ИНСОН ҚАЛБИ ҚУЁШДАЙ САХИЙ

Маданият — кўп тармоқли соҳа. Унинг тасарруфида бюджет маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатаётган юзлаб кутубхоналар, клуб, театр ҳамда музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, санъат билим юртлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари каби ташкилот ва муассасалар мавжуд.

Бугунги кунда бошқармамиз ўз атрофига 400 дан зиёд кутубхона, 145 та клуб муассасалари, 15 та шаҳар ва туман маданият ишлари бўлимлари, 20 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 10 дан зиёд маданият ва истироҳат боғлари, шунингдек, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри, «Ўзбекнаво» ва «Ўзбекрақс» гастрол-концерт бирлашмаларининг вилоят бўлимлари, маданий-маърифий ишлар илмий услубият марказлари кабиларни бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, халқаро танловлар ўтказиш, хорижда бўладиган маданий-маърифий фестивалларда бадиий жамоаларнинг иштирокини таъминлаш борасида ҳам бошқармамиз кўпгина хайрли ишларга бош қўшаётир.

Таъкидлаш ўринлики, ўзаро тажриба алмашув ва ҳамкорлик алоқалари ўзбек санъатини дунёга ёйишда асосий воситадир. Шу ўринда санъатнинг миллат ва элат танламаслигини ҳам назарда тутмоқ лозим. Миллий куй ва қўшиқларимизни ўзга тилларда сўзлашувчи хорижликлар юрак-юракдан ҳис қилган ҳолда, олқишлар билан кутиб олганларида беихтиёр фахр туйғусини туясан киши. Хусусан, 1998 йилда Сурхондарёнинг фольклор жамоаларидан бир гуруҳи ҳамда шўрчилик Абрайқуловлар оилавий дастаси Туркиянинг Чорун шаҳрида ўтказилган Халқаро фольклор этнографик жамоалари фестивалида иштирок этдилар. Шунингдек, 1999 йилда бойсунлик Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев, 2000 йилда қизириқлик бахши Абдуназар Поёнов Францияда Халқаро фольклор жамоалари фестивалида иштирок этиб, махсус дипломларга сазовор бўлдилар. Энг қувонарлиси, улар томонидан ижро этилган «Алпомиш», «Ошиқ Ғариб», «Гўрўғли» каби халқ достонлари хорижлик санъат ихлосмандлари томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Жорий йилда ушбу Халқаро фестивалда иштирок этиш учун «Бойсун» фольклор этнографик халқ дастаси муносиб деб топилди.

Бундан ташқари, республика миқёсида ўтказилган бир қатор танловларда, жумладан, «Кутубхона тарихий-маданий меросимиз тарғиботчиси», «Ёш кутубхоначи», «Кутубхона оила хизматида» каби кўрик-танловларда Шўрчи, Денов, Узун туманлари марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли бир неча кутубхоналар фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Маълумки, вилоят аҳолисининг 80 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Шу боис, уларни, айниқса, чекка қишлоқларда меҳнат қилаётган кишиларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар билан доимий таништириб бориш, вилоятларда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлардан хабардор этиш, маданият янгиликларини ўз вақтида етказиш, дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида ҳар бир туман ва қишлоқларда автодаъватхоналар иш олиб бормоқда. Шунингдек, 4 та драма, 2 та қўғирчоқ театри, 10 дан зиёд ашула ва рақс халқ дасталари, 100 га яқин ашула ва рақс, 37 та фольклор этнографик дасталари, 700 дан зиёд турли йўналишлардаги тўгараклар, миллий рақс, дорбозлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамоа ва дасталар меҳнаткашларнинг мароқли маданий ҳордиқларини таъминлаш, санъат ёрдамида иш унумдорлигига ҳисса қўшиш, турли байрамларда концерт дастурларини намойиш этишга алоҳида эътибор билан ёндошмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда кейинги йилларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва фольклор этнографик дасталари дастурларини миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган анъаналаримиз асосида бойитиш диққат-марказида бўлиб келмоқда. Фикримиз далили сифатида Бойсун, Ангор, Қизириқ, Сариосиё, Шўрчи, Олтинсой, Жарқўрғон туман маданият уйлари қошида ташкил этилган фольклор жамоаларни келтиришимиз мумкин. Чунки, халқ оғзаки ижодиёти намуналарининг бизга маълум бўлмаган вариантлари ҳали кўп. Уларнинг кўпчилиги табаррук онахон ва отахонларимиз тилида айтилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Шу боис, фольклор этнографик жамоалар аъзолари томонидан уларнинг излаб топилиши, охори тўкилмаган ҳолда халққа тақдим этилиши ғоят муҳим ишдир.

Айни кунларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Хусусан, жорий йилнинг апрел ойида яккахон қўшиқчилар кўрик-танловини ўтказиш мўлжалланган. Вилоят санъат аҳли бу улуғ айёмда намойиш қилинувчи қадим тарихимиз, халқимиз анъана ва удумларидан ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томошаларни ўз ичига олган махсус дастур устида иш олиб бормоқдалар. Бунда вилоят театрлари, санъат билим юртлари талабалари, «Ўзбекнаво» ва «Ўзбекрақс» гастрол-концерт бирлашмаларининг вилоят бўлимлари жамоалари ичидан энг саралари, янги қўшиқ ижрочиларининг махсус кўрик ғолиблари иштирок этадилар.

**Абдурасул ИБРОҲИМОВ,**
**Сурхондарё вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи.**



Хива туманидаги 37-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нодирбек Бобожонов аждодлар анъанасини муносиб давом эттириб келаётган ёш ҳунармандлардан бири. Ҳозирда у ўзи ясаган мис жиҳозларга миллий руҳда ишлов бермоқда.

**Суратда: ёш ҳунарманд Нодирбек Бобожонов.**

**Д.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## НЕМИС ШАРҚШУНОСЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА

Германия Шарқшунослик маркази шарқ тилларидаги ёзма манбаларни ўрганиш ва уларни нашрга тайёрлаш борасида самарали изланишлар олиб бормоқда. Бунда марказнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан илмий алоқаси муҳим ўрин тутмоқда.

«Табиий фанлар қўлёзмалари» деб номланган каталогни тузишда ҳам бундай ҳамкорлик қўл келди. Таниқли немис шарқшуноси Паул Юрген иштирокида босмага тайёрланган бу нашрда Шарқшунослик институтида сақланаётган талайгина қўлёзмалар ўз тавсифини топди.

Ислом таълимоти тарихида ўчмас из қолдирган Ал-Марғиноний, Ал-Мотуридий ҳақидаги еттита китоб ҳам немис шарқшунослари ҳамкорлигида чоп этилди. Бунинг учун Германия Шарқшунослик маркази 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратди.

*Касаба уюшма спорти*

***Меҳнаткашларни соғломлаштириш касаба уюшмалари зиммасидаги асосий вазифалардан бири. Бу мақсадга эришишда спорт тадбирларининг ҳам аҳамияти катта. Зотан, оммавий спорт тадбирлари кишиларни жисмоний чиниқтирадиган муҳим омил саналади. Бунда инсон вужудигина эмас, руҳи ҳам тетиклашади. Шунинг учун ҳар йил бошидаёқ махсус режа асосида иш олиб борамиз. Ниятимиз спорт тадбирларига йил сайин кўпроқ одамларни жалб этиш, оммавийликни оширишдир. Бунинг учун ихтиёримизда 40 та спорт зали, 32 та спорт майдони ва бошқа кўплаб иншоотлар бор.***

# САМАРҚАНДНИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Ўтган йил давомида вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан 50 дан ортиқ мусобақалар ўтказилди. «Соғлом авлод» дастури доирасидаги тармоқлараро спартакиада, машҳур кишилар хотираларига бағишланган мусобақалар, қутлуғ саналар муносабати билан уюштирилган беллашувлар шулар жумласидандир. Уларда бир неча ўн минг киши қатнашганини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Айниқса, коммунал хўжалиги, агросаноат мажмуи, қурилиш корхоналари, давлат муассасалари ходимлари мазкур тадбирларда фаол қатнашдилар. Айтиш керакки, «Истиқлол фарзандлари» спартакиадаси, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» фестивалининг спорт дастури, «Олтин бошоқ» футбол мусобақалари вилоят меҳнаткашларининг, хусусан, ёшларнинг фаол иштирокида ўтди.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 4 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида иқтидорли ёш спортчилар камол топмоқда. Улар мамлакат, қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқда. Жумладан, оғир атлетика бўйича Ботир Усмонов Осиё рекордини ўрнатиб, учта олтин медал соҳиби бўлган бўлса, Нуриддин Ҳожиёров Таиландда бўлиб ўтган муай-тай мусобақасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Курашчи, боксчи, дзюдочиларимизнинг республика биринчиликлари ва халқаро турнирларда эришаётган натижаларидан ҳам фахрлансак арзийди.

Оммавий спорт тадбирларини ташкил этишда «Нуроний», «Камолот», «Маҳалла» ва бошқа хайрия жамғармалари, корхоналар ҳамда тадбиркорлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Шу туфайли «Кураш -менинг ифтихорим» беллашувлари, «Нони Гала-Осиё» соврини учун футбол мусобақаси, ўнлаб хотира турнирлари зўр муваффақият билан ўтказилди. Ҳатто ногиронлар ҳам ўзларига мос спорт турлари билан шуғулланишга жалб этилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ самарқандлик Юсуф Қодиров АҚШда ўтказилган армрестлинг бўйича жаҳон биринчилиги ғолиби деган номга сазовор бўлди. Жойларда касаба уюшмаларининг ташкилотчилиги, маъмуриятларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли фаолият кўрсатаётган спорт жамоалари ҳам ўз маҳоратларини тобора ошириб бормоқда. Масалан, Самарқанд шаҳридаги «Иссиқлик манбаи» корхонасининг «Термо» мини-футбол жамоаси, Жомбой туманининг «Олтин бошоқ» футбол командаси республика чемпионатларида муваффақиятли қатнашмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг туманларда қуйи ташкилотлари тузилиши ишимизни янада жонлантирди. Бу йилги дастуримизда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-оналар ва болалар иштирокида мусобақалар ўтказиш каби қатор тадбирлар ўрин олган. Бунинг учун жамият барча имконият ва шароитга эгадир.

**Б.БОБОМУРОДОВ,**
**Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари.**

## «ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА»

Болалар ижодиёти республика марказида «Тарих тилга кирганда» деб номланган болалар расмлари кўргазмаси очилди.

- Болаларимиз юрагидаги санъатга, мусаввирликка муҳаббат боболардан мерос қолган муқаддас туйғу, - деди болалар ижодиёти республика маркази раҳбари Санобар Шодиева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Халқимиз азалдан санъатни, санъаткорларни қадрлаб келади. Шу маънода мусаввирликка муҳаббат қўйган болажонларнинг истеъдодларини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида марказ ташкил этилган. Ҳозирги кунда 120 дан зиёд иқтидорли болалар унинг фаол аъзоларидир. Мана, бир неча ҳафтадирки, бутун мамлакатимиз бўйлаб сўз мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоийнинг 560 йиллик таваллуд айёмига бағишланган тантаналар давом этмоқда. Бугунги кўргазмамизни ана шу санага бағишладик.

Мазкур кўргазмага асосан 14 ёшгача бўлган болаларнинг ижодларидан намуналар қўйилди. Бобокалонимиз Алишер Навоий ва унинг бетакрор асарлари қаҳрамонлари мурғак юракларнинг илҳоми билан қоғозга кўчган. Расмларни томоша қилиб бу юракларнинг тасаввур дунёси қанчалик бой эканлигини англаш қийин эмас. Уларнинг аксариятида кўпроқ мард ва баҳодир Фарҳод, гўзаллик ва муҳаббат тимсоллари бўлган Лайли ва Ширинларнинг қиёфаларда рангин бўёқларда гўзал ифода этилган. Шунингдек, Навоий, Бойқаро, Беҳзод ва бошқа кўплаб тарихий сиймоларнинг портретлари кўргазмадан ўрин олган.

Кўргазма очилмасдан олдин марказ томонидан бу борада танлов ҳам эълон қилинганди. Унинг очилиш маросимида танловга тақдим этилган расмларнинг ғолиблари ҳам эълон қилинди. Мазкур танловда марказнинг фаол аъзоларидан Чарос Исмоилова «Ботир йигит» асари билан ғолибликни қўлга киритди. Ғолиблар марказнинг махсус соврин ва мукофотлари билан тақдирланди.

Шу куни марказда болаларнинг севимли мусаввири Александр Ревеснинг шахсий кўргазмаси ва болаларнинг жони-дили бўлган турфа қўғирчоқлар кўргазмаси ҳам очилди. Ўйлаймизки, япон, хитой ва миллий қўғирчоқлардан ташкил топган коллекцияни кичик томошабинлар ёқтириб қоладилар.

*Миллий кураш*

## ҚИММАТБАҲО СОВРИНЛАР

### *ғолибларга мунтазир*

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви ташаббуси билан қадим ва навқирон Бухоро шаҳрида миллий кураш бўйича республика биринчилиги якуний мусобақалари бошланди.

Беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятлари полвонларидан ташкил топган 8 та терма жамоа вакиллари тўрт вазн тоифасига бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Иштирокчиларнинг асосий қисмини эса ёш, умидли қишлоқ спортчилари ташкил этади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, мусобақа ташкилотчилари, вилоят ҳокимлиги ва ўнлаб ҳомий муассасалар биринчиликнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида тайёргарлик ишларини намунали тарзда амалга оширдилар. Бугун ғолиб ва совриндорларни қимматли совринлар кутмоқда.

*Соҳибқирон Амир Темур ҳақида*

***Ўтмишимизга қанчалик чуқур кириб борганимиз сари собиқ шўро даврида ўзининг ақл-заковати, кучли салоҳияти ила жаҳонни лол айлаган буюк зотларимиз, алломаларимиз номи, ҳаёти-фаолияти биздан яшириб келинганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз. Озодлик қуёши порладию ўтмишимизга оид жавоҳирларни йиғиб, халқимизга қайтариш бахтига мушарраф бўлдик. Бу орада "Амир Темур халқаро илмий-амалий экспедиция"си тузилди. Таниқли олим ва журналистлар вилоятлар бўйлаб илмий изланиш ҳамда тадқиқотларни бошлаб юбордилар. Бунинг шарофати ила соҳибқирон Амир Темур даври, унинг марказлашган давлати, ҳарбий, бунёдкорлик соҳасидаги улкан ишлари тўғрисида бой маълумотлар тўпланди.***

***Қувончлиси шуки, оддий одамлардан соҳибқирон ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳам ёзиб олинди. Улар маънавий оламимизни камалак жилосидек нурафшон этишига, тафаккуримизни бойитишига, айниқса, ёш авлоднинг ўтмиш меросимизга, бобокалонларимизга бўлган ҳурмат ва эътиқодини оширишга хизмат қилади, деган ниятда газетамизда сафарлар чоғида бир-бир тўплаган афсона ва ривоятларни бериб боришни ният қилдик.***



# БИР СИҚИМ ТУПРОҚ (I)

Мамлакат сарҳадларини чингизийлар асоратидан халос этилаётган йиллар экан. Ўтрор - Мовароуннаҳрнинг мустаҳкам қалъаларидан бири ҳарбий аҳамиятга эга шаҳарлардан эди. Қалъада жойлашиб олган босқинчилар юрт сарҳадларига таҳдид солиб туришар, уларни даф этмасдан туриб, эркин нафас олиб яшаш мумкин эмасди.

Шу боис, Амир Темур пири Саййид Бараканинг маслаҳати билан Ватан озодлиги, ҳуррияти учун жонини қурбон қилишга тайёр юрт алпларини, Ўтрор яқинидаги қароргоҳига чорлади. Ва: «Ҳар бир навкар киндик қони тўкилган муқаддас ердан бир сиқимдан тупроқ олиб келсин», дея амр қилди. Эл-юрт дедики: «Бундан Соҳибқироннинг мақсади недур? Тупроқни не қиладур?!» Башоратчилар: «Ул ҳазрат душманни мағлуб этиш учун яна бир режани кўнглига туккандур», дедилар.

Бутун Турон бу пайтда озодлик ишқи билан ёнар, мустақиллик уларнинг энг олий орзу-тилакларига айланганди. Озодлик учун курашга Соҳибқирон кутганидан ҳам кўп алп йигитлар келишди. Гўё бутун Турон йиғилиб келгандек эди. Соҳибқироннинг руҳи кўтарилди. Саййид Барака навкарларга қарата ҳароратли нутқ ирод этди:

— Эй аҳли мўмин, Туроннинг алп баҳодирлари! Боболарингиз, момоларингиз, ота-оналарингиз бир ярим асрдан бери қулликда хор-зор бўлиб келдилар: босқинчи чингизийлар юртимизни хароб этдилар, топтадилар, бойликларини талаб кетдилар. Бугун эл-юрт, Ватан Сиз баҳодирларга кўз тикиб турибди. Руҳингизни кўтаринг, куч-қудрат ила жўшинг, токи ёғий бир зарбангизданоқ ер тишласин! Сизларга Оллоҳдан мадад сўрайман, - сўнг ёнида турган бениҳоя хушсурат, келбатли, кенг елкали, ёвқур Темурбекка деди:

— Қўлингдаги тупроқни оёғинг остига тўкгил!

Темурбек унинг айтганини бажо айлади.

Саййид Барака яна навкарларга қаради:

— Эй алпларим, иймони бут баҳодирларим! Сизлар ҳам тупроқларингизни амирингиз оёғи остига тўкингиз: бу — бирлик рамзи саналгай, бу — киндик қонингиз тўкилган тоғ, деб ҳам аталгай: Бу муқаддас тепаликка ғаним ҳеч қачон ҳаром қадамини босолмагай! Улуғ курашда зафар сизларга ёр бўлсин, алпларим!

Амир Темурнинг ўзи бош бўлиб, навкарларни жангга бошлабди. Юрт баҳодирлари ёғийга қарши шундай шиддатли жанг қилибдиларки, айтишларича, уларнинг шижоати, кучли наъраларидан еру кўк титраб, чингиз қўшинлари учун сичқоннинг ини минг тангага айланибди.

Икки юз йил давомида бутун Осиё, Европани зир титратган чингизийзодалар ҳеч қачон, ҳеч қаерда бунчалик тез мағлубиятга учрамаган эканлар.

**Тўлқин ҲАЙИТ,**
**Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ.**

«Ишонч» газетаси жамоаси бўлим мудири Амина Қодировага акаси **Наимхўжа ҚОДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 204-мактаб томонидан 1992 йил Алимов Мурод номига берилган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги А №104155 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


**ISHONCH**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:** Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6